

Ислом дунёси тарихидаги энг вахшиёна боскинчиликни мўғуллар қилишган. Ибн Асир айтади: «Бу мусибат шунчалик дахшатли эдики, бу ҳақда гапиришга узок вақт иккиланиб юрдим. Унга ўхшагани тарихда умуман бўлмаган. Одам алайхиссалом давридан то ҳозирги кунимизгача инсоният бунакасини асло кўрмаган. Яъжуж-Маъжуж боскинини истисно қилганда эҳтимол то қиёматгача бунга ўхшаши бўлмас ҳам. Боскинчилар ҳеч қимми аяб ўтиришмасди, хомиладор аёлларнинг қорнини ёриб ташлар, болаларни бачадонида ўлдиришар эди. Бу умумжаҳон микёсидаги фожиа эди» («Ал-Комил»дан).

Мағлубият нималигини билмаган мўғуллар милодий 650 йили Бағдодга киришди ва шаҳарни харобага айлантиришди. Ибн Касир ёзади: «Бағдодда қирқ кун қирғинбарот бўлди, шундан кейин дунёдаги энг гўзал шаҳар ер билан яксон қилинди. У ерда талмовсираб юрган бир тўда одамни кўриш мумкин эди. Жасақлар қўчаларни шунчалик тўлдиргандики, баландлиги ҳатто томларга етган эди. Мурдалардан чиққан хиддан нафас олишга имкон бўлмасди. Очлик, вабо ва ўлим бутун мамлакатни қўлгаб олганди». Мўғулларнинг қўлига юришини Миср султони Сайфуддин Қутузгина тўхтата олди. Унинг вафотидан кейин қориси Бийбарс уларга қўлатқич зарба бериб, бутун Сурияни озод қилди. Аммо мўғуллар ҳамон Ироқдан Эронгача бўлган улкан ҳудудда ҳукмронлик қилишарди. Тақдирнинг қалтис «ҳазили»ни қарангки, ана шу ёввойиларга ўша пайтдаги жаҳон маданияти ва ҳазорасини бошқариш насиб этди. Мусулмонларнинг ақлий ва маданий салоҳиятига қаттиқ зарба берилди, улар бирор нарса қилишга ожиз эдилар. Гўё ҳамма нарсадан қосуво бўлинган бир паллада ажойиб мўъжизасини кўрсатиш учун Исломнинг рухий шавқати олдинга чиқди. Мусулмон рухонийлар ва сарой аъёнлари мўғул ҳукмдорлари қорисида иш бошлаб юборишди, қолганини Ислом мафтунқорлигининг ўзи уқдалади. Аллоҳ таолонинг қоридаси билан мусулмонларни мағлуб қилганларнинг ўзлари Исломга қасим бўлишди.

Ибн Касир ёзади: «Шу йили (694) тахтда Чингизқоннинг эвараси Қозонқон ўтирарди ва уни Амир Тавзун (қарималлоҳу таоло) Исломга қиритқанди. У билан қирга қарча мўғуллар мусулмон бўлишди. Султон Исломга қарётган қуни олтин, қумуш, зумрадлар қарда қилинди. Султон Маҳмуд қсмини танлади ва жума намозига қорди. Бағдод ва бошқа жойларда талаб олиган муқлар эгаларига қайтарилди ва одил судлов жорий қилинди. Одамлар мўғуллар қўлида қасбех қўриб, Аллоҳга қамдлар айтишди». (Абул Қасан Надавийнинг «Мусулмонларнинг Исломдан уқлашувидан дунё нималарни йўқотди» қитобидан).